

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.15/31.08.2022.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАГИМОВА ГУЛШАН РУСЛАНОВНА

ТЕМИР ЙЎЛ ТАРМОҒИДА ЛОГИСТИК ТЕРМИНАЛЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖОЙЛАШТИРИШ

05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Ибрагимова Гульшан Руслановна

Темир йўл тармоғида логистик терминалларни ривожлантириш ва
жойлаштириш..... 3

Ибрагимова Гульшан Руслановна

Развитие и размещение логистических терминалов на сети железных
дорог 21

Ibragimova Gulshan Ruslanovna

Development and placement of logistics terminals on the railway
network..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.15/31.08.2022.T.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАГИМОВА ГУЛШАН РУСЛАНОВНА

ТЕМИР ЙЎЛ ТАРМОҒИДА ЛОГИСТИК ТЕРМИНАЛЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖОЙЛАШТИРИШ

05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/T2944 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tstu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Худайбергенов Сакижан Кабилджанович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Нурмухамедов Толаниддин Рамзиддинович
техника фанлари доктори, доцент

Маҳкамов Алимжан Хамдамович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги PhD.15/31.08.2022.Т.73.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 16 январь соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: rektorat@tstu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (080 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 299-05-66.

Диссертация автореферати 2023 йил 4 январь куни тарқатилди.
(2023 йил 4 январьдаги 3 рақамли реестр баённомаси).

Ж.Ф. Курбанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раис ўринбосари,
техника фанлари доктори, доцент

Ш.М. Суёнбаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

М.Х. Расулов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
т.ф.н., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кун шароитларида мамлакат бюджет тизимида тушаётган молиявий босимни камайтириш мақсадида темир йўл транспорт тизимини ислоҳ қилиш, темир йўлларнинг ташиш бозоридаги хизматлари улушини барқарорлаштириш ва ошириш, шунингдек хусусий инвестицияларни жалб этиш ва даромадлилик даражасини ошириш ҳисобига зарур инфратузилмани таъминлаш, уни сақлаб туриш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кластерлар тизимини яратиш ҳудудлар рақобатбардошлик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Дунёда 3 мингдан 5 мингтагача кластер мавжуд бўлиб ¹, уларнинг асосий қисми Европа Иттифоқи (ЕИ), Шимолий Американинг энг тараққий этган мамлакатлари ҳудудида жойлашган. Шунга боғлиқ равишда глобал кўринишга эга бўлган, экологик хавфсизлик ва транспорт учун бугунги кунда долзарб бўлган бошқа масалаларни ҳал қилиш имконини берадиган инновацион технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда минтақа ва ҳудудларнинг транзит потенциалини ошириш мақсадида транспорт кластерларини тузиш, логистик марказлар инфратузилмасини ривожлантириш, контейнер майдонларида терминал технологияларини такомиллаштириш ва юк терминалларининг қайта ишлаш қобилиятини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, замонавий шарт-шароитларда транспорт-логистик терминалларни ривожлантириш ва уларни транспорт-логистика кластерларига бирлаштириш, темир йўллар тармоғида жойлаштириш, юк оқимларини транспорт йўлаклари орқали белгиланган вақт меъёрларида етказиб бериш технологиясини ишлаб чиқиш туфайли логистик харажатларни сезиларли даражада камайтириш бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, темир йўллар тармоғида логистика терминалларини ривожлантириш ва жойлаштириш масалаларига доир асосланган қарорлар қабул қилиш каби кўп мезонли масалани баҳолаш услубини ишлаб чиқиш муҳим долзарб вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Республикамизда турли транспорт соҳаларини ривожлантириш, жумладан, темир йўл транспорти тизимида логистик марказлар ва юк терминалларини жойлаштириш, ташқи юк айланмасини таъминлаш ва маҳаллий ишлаб чиқариш кластерларини қуриш борасида кенг кўламли чоратadbирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан “Барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш”²

¹ <https://ecfor.ru/wp-content/uploads/2018/11/innovatsionnyj-transportno-logisticheskij-klaster.pdf?ysclid=16585jlljs138658821>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони

бўйича муҳим мақсадлар белгиланган. Бу борада, жумладан, халқаро темир йўл ташишлари тузилмаси таркибидан муносиб ўрин олиш мақсадида юк хизматлари бозорини ривожлантириш, минтақавий ва маҳаллий даражада логистик терминалларни шакллантириш, кўплаб муқобил вариантлар орасидан юк объектларини потенциал жойлаштириш вариантыни танлашда кластерли ёндашувдан фойдаланиш ва уларни баҳолаш услубини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 2017 йил 2 декабрдаги “2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3422-сон, 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4422-сон, 2020 йил 10 июлдаги “Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4779-сон Қарорлари, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг: II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик”, ИТД-3 – “Энергетика, энергия, ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда ва МДХ мамлакатларида, шу жумладан темир йўллар тармоғида транспорт-юк хизматларига доир замонавий муаммолар ва улар бозорининг ривожланиш мойил жиҳатлари, шу жумладан: American University (АҚШ), University of Nottingham (Буюк Британия), Transport Research Institute (Литва), Император Александр I номидаги Петербург давлат транспорт университети (Россия Федерацияси), Россия транспорт университети (Россия Федерацияси) ва Тошкент давлат транспорт университети каби дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида олиб борилмоқда.

Транспорт-юк тизимлари ишлаш самарадорлигининг услубий ва методологик жиҳатлари, шу жумладан юк объектларини жойлаштириш масалалари Э. Вайсент, М. Жозеф, М. Диас-Мадронеро, Р. Ласкес, М.Б. Лapidус, А.С. Майер, Д. Пейдро, И.С. Агапова, М.Н. Абдримова, М.А.Галкин, А.П. Кантимиров, О.А. Копылова, А.П. Костенко, О.Б. Маликов,

А.Н. Рахмангулов, А.А. Сироткин, Е.С. Юдникова, А.С. Стринковская, Д.Н. Смирнова, А.Э. Шило каби муаллифлар ишларида очиб берилган.

Ўзбекистонда транспорт логистика терминаллари ривожлантириш ва жойлаштиришда техник-технологик ечимлар, юк ва контейнер оқимларини прогнозлаш ва бошқариш, уларни режалаштириш самарадорлиги масалаларига, уларни тадқиқ этишга К.Т. Худайберганов, Э.Т. Тўйчиев, Р.З. Нурмухамедов, М.Х. Расулов, С.К. Худайберганов, З.Г. Мухамедова, Д.И. Илесалиев, Ш.М. Суюнбаев, Ш.А. Абдувахитов, А.Ф. Исматуллаев каби маҳаллий олимларнинг илмий ишларида алоҳида эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, логистик терминаллари халқаро транспорт йўлакларида жойлаштиришда минтақанинг афзаллигига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олувчи кластерлаш статистика модели, юк объектларини темир йўл тармоғида ривожлантириш учун жойлашувни режалаштиришнинг имитацион модели, кўплаб муқобил вариантлар орасидан ҳудудий жойлашишини ҳисобга олиб юк объектларини потенциал жойлаштириш вариантини баҳолаш услуги, транспорт-логистик терминаллари жойлаштириш учун энг рационал темир йўл станциясини танлашга йўналтирилган илмий изланишлар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат транспорт университетининг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ “Самарқанд кимё мажмуи юк ортиш-тушириш, қабул қилиш-жўнатиш йўллари ривожлантириш ва ҳаракат таркибидан самарали фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш” мавзусидаги 47-сонли хўжалик шартномаси доирасида бажарилган (2022 й.).

Тадқиқотнинг мақсади темир йўл тармоғида логистик терминаллари ривожлантириш ва жойлаштиришнинг илмий асосларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

минтақадаги транспорт ва юк инфратузилмасининг ҳозирги ҳолатини ва юк хизматлари бозорини ривожлантириш масалаларини таҳлил қилиш;

ҳудудларнинг рақобатбардошлигини ҳисобга олган ҳолда минтақавий ва маҳаллий даражада логистик терминаллари шакллантиришга таъсир қилувчи омилларни тадқиқ қилиш;

кўплаб муқобил вариантлар орасидан ҳудудий жойлашишини ҳисобга олиб юк объектларини потенциал жойлаштириш вариантини танлашга кластерли ёндашувдан фойдаланишни моделли асослаб бериш;

потенциал логистик терминаллари жойлаштириш учун жойлашиш ўринларини режалаштиришда дастурий таъминотни қўллашга асосланган имитацион моделни ишлаб чиқиш;

темир йўллар тармоғида минтақавий ва маҳаллий даражадаги логистик терминаллари ривожлантириш ва жойлаштириш масалаларига оид бошқарув қарорлари қабул қилишни баҳолаш услубини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти темир йўл станциялари ва транспорт логистик

терминаллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети минтақаларни кластерлаштириш моделлари ва логистик терминаллари жойлашиш ўрнини оптимал режалаштириш услублари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида эҳтимоллар назарияси, тизимли таҳлил, транспорт логистикаси, кузатув, корреляцион-регрессион таҳлил, шунингдек алгоритмлар назарияси, кластерлаштириш, статистик ва имитацион моделлаштириш, маълумотларни қиёслаш услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

темир йўл тармоғида логистик терминалларни ташкил этиш учун минтақанинг афзаллигига таъсир қилувчи омиллар юк ташишларга оид асосий кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

транспорт ишлари ҳажми ва халқаро транспорт йўлакларида логистик терминалларнинг ҳудудий жойлашувини ҳисобга олган ҳолда минтақаларни кластерлаш статистик модели такомиллаштирилган;

юк ишлари ҳажмини ҳисобга олган ҳолда транзит йўналишдаги энг мақбул темир йўл станциясини танлаш ва унда логистик терминалларни жойлашувини режалаштиришнинг дастурий таъминоти асосида имитацион модел ишлаб чиқилган;

ҳудудларнинг минтақавий ривожланиши ва юксалишини белгиловчи интеграл кўрсаткичлар асосида темир йўл тармоғида логистик терминалларни потенциал жойлаштириш вариантларини баҳолаш услуги ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

транспорт-логистик терминалларини жойлаштириш учун оптимал темир йўл станциясини излаб топиш бўйича дастурий мажмуалар кўринишидаги инструментал воситалар ишлаб чиқилган;

ҳудудларни ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболларини ҳисобга олган ҳолда минтақавий ва маҳаллий даражада логистик терминалларнинг ҳудудий жойлашишини танлашга доир илмий асосланган ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий услубиёт ва услублардан фойдаланилганлиги, темир йўл тармоғида логистик терминалларни ривожлантириш ва жойлаштириш бўйича техник-иқтисодий асосланган қарорлар қабул қилишнинг кўп мезонли вазибалари асосида назарий тадқиқотлар ўтказилганлиги, шунингдек, тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти темир йўл тармоғида логистик терминалларни ривожлантириш ва жойлаштириш учун минтақанинг устуворлигига таъсир кўрсатувчи омилларни асослаш, транспорт инфратузилмасининг рақобатбардошлигини ошириш масалалари бўйича асосланган қарорлар қабул

қилиш каби кўп мезонли масалалар асосида логистик терминалларни мумкин бўлган турли хил ривожлантириш вариантларини баҳолаш усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти минтақа ёки маҳаллий аҳоли пунктининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда логистик терминални қуриш учун оптимал ҳудудий жойлашув ўрнини танлашга доир модел, ишлов бериладиган юклар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда темир йўл станцияларини излаб топиш дастурий таъминотининг қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Транспорт-логистик терминалларни ривожлантириш ва жойлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

халқаро транспорт йўлаклариди ҳудудий жойлашувини ҳисобга олган ҳолда юк ташиш объектларини потенциал жойлаштирилиш ҳудудларини кластерлашнинг статистик модели “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖда жорий этилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2022 йил 17 августдаги 06/2854-22-сонли маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикаси минтақаларини кўрсатиладиган транспорт хизматлари ҳажмига боғлиқ равишда тўртта транспорт-логистик кластерга ажратиш ва гуруҳлаш имконияти яратилган;

GPSS дастури асосида терминаллардаги юк билан ишлаш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда логистика терминалларининг жойлаштирилиш ўрнини режалаштириш учун имитацион модели “Логистикани ривожлантириш ва рақамлаштириш Бош бошқармаси”да жорий этилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг 2022 йил 17 августдаги 06/2854-22-сонли маълумотномаси). Натижада муайян минтақа фойдасига талаб қилинган терминалларни яратиш ва улардан мақсадга номувофиқ логистик терминалларни қурилишига йўл қўймаслик мақсадида муқобил темир йўл станциялари аниқланган;

логистик терминалларни ривожлантириш ва уларнинг минтақавий рақобатбардошлигини ошириш масалаларига оид асосланган қарорларни қабул қилиш каби кўп мезонли вазифани баҳолаш услуги “Тошкент минтақавий темир йўл узели” унитар корхонасида жорий этилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг 2022 йил 17 августдаги 06/2854-22-сонли маълумотномаси). Ушбу услубни қўллаш “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда минтақавий аҳамиятга эга бўлган юк объектини қуришда ишлов бериладиган юклар ҳажмини 1,12 ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган юк объектини қуришда эса 1,09 баробар кўпайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 8 та илмий-амалий конференцияда, шу жумладан 2 та Scopus базасидаги ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда тақдим этилиб, муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш, шу жумладан диссертацияларнинг асосий

илмий натижаларини нашр этишга Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган нашрларда 8 та мақола, шундан 1 та хорижий журналларда ва 7 та маҳаллий илмий журналларда мақолалар чоп этилган. Шунингдек, адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлиги томонидан 2 та ЭХМ дастури учун гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 113 бетни ташкил этади.

Техника фанлари доктори (DSc), доцент З.Г. Мухамедовага диссертация босқичларида кўрсатган ёрдами учун чуқур миннатдорчилигимни билдираман.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги асосланган, масаланинг ҳолати ёритилиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифлари берилиб, тадқиқотнинг республикада фан ва техника ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти асосланган, илмий тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишга оид, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Юк инфратузилмаси шаклланишининг таҳлили ва логистик терминалларнинг бугунги ҳолати”** номли биринчи бобида жаҳонда транспорт-юк хизматлари бозорининг ривожланиши ва бугунги ҳолати ўрганилиб, темир йўл транспорт логистик терминаллари инфратузилмасини шакллантириш соҳасидаги тажрибаси умумлаштирилган, транспорт тармоғида логистик терминалларни жойлаштириш масалалари ва хусусиятларига оид масалалар тадқиқ этилган.

Транспорт-юк хизматлари бозори ривожланишининг асосий йўналишлари – юк оқимини халқаро савдо ҳажминини, айниқса юк ташишларга нисбатан паст тарифлари ҳамда темир йўл тармоғида бир марталик кўтариш имкониятининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобига белгилаб олинган. Ўртача тезлик пасайиши ҳисобига, шу жумладан юк инфратузилмаси етарли даражада тайёр эмаслиги, йўл давомидаги юк терминаллари етишмаслиги ва мавжуд пунктларга тушадиган юкларнинг ортиши туфайли ташишлар муддатининг узайиши муаммо сифатида кўрсатиб берилган.

Европа мамлакатлари юк айланмаси кўрсаткичида темир йўл орқали юк ташишлар улуши 25-75% ни, МДХ мамлакатларида эса – 95% гача кўрсаткични ташкил этган. Бунинг оқибатида, темир йўл транспорти Россия, Ўзбекистон, Белоруссия, Қозоғистон каби МДХ мамлакатларида иқтисодиёт ривожини учун ЕИ мамлакатларига нисбатан критик қийматга эга бўлиб, буни

1-жадвалда келтирилган юк поездининг ўртача кўрсаткичлари бўйича ҳам кўрсатиб, исботлаб бериш мумкин.

1-жадвал

ЕИ ва МДХ мамлакатларида юк поездининг ўртача кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	ЕИ	МДХ
Юк поездининг ўртача оғирлиги, т	≤800	≥2500
Юк поезди таркибидаги вагонларнинг ўртача сони, ш.у.	20 дан кам	60
Ўртача ташиш масофаси, км	400 гача	1700

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, МДХ мамлакатларида темир йўл ташувчилари фаолиятини ташкил қилиш ЕИ мамлакатларига нисбатан анча мураккаб жараён, деб хулоса қилиш мумкин.

Юқорида баён этилганлар барча ҳамкор мамлакатлар орасидаги халқаро савдо ҳажми ортиши, ҳамда уларнинг ўзгача ўзаро ҳамкорлиги кенгайиб бориши туфайли ва темир йўллар тармоғи ишидан тушадиган фойдани кўпайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратади. Хусусан, Ўзбекистонда бу каби лойиҳалар ишлаб чиқилган, амалга оширилмоқда ва қисман муваффақиятли амалга оширилган деб айтиш мумкин.

Тармоқдаги мавжуд асосий муаммолар қаторида локомотив, вагонлар паркининг, юк, таъмирлаш ва бошқа ускуналарнинг юқори даражада эскирганлиги, рақобат ва ривожланган мультимодал тизимлар тармоғининг йўқлиги, менежмент даражасининг етишмаслиги ва давлатга таклиф этилаётган тармоқни ривожлантириш лойиҳаларининг паст самарадорлиги, бозор қатнашчиларининг ўзаро келишган ҳолда, талаб даражасида мувофиқ ишланмаслиги, инвестиция имкониятлари етишмаслиги кабиларни кўрсатиш мумкин.


Шундай қилиб, ҳам маҳаллий, ҳам хориж амалиётида юк объектларини жойлаштириш масалалари транспорт-юк инфратузилмасини яратишнинг узвий қисми бўлиб, у ҳам, ўз навбатида, ялпи ички маҳсулотни юксалтириш ва экспорт-импорт фаолиятидан тушадиган даромадни оширишга қаратилган давлат сиёсатининг ўта муҳим элементи бўлиб ҳисобланади. Улар темир йўллар тармоғини ислоҳ қилиш, транспорт-логистик фаолиятни, шу жумладан хусусий инвестицияларни жалб этган ҳолда ташкиллаштириш масалалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўриб чиқилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон темир йўллари ҳам ислоҳотларга, эҳтимол, қайта тузишга муҳтож деб айтиш мумкиндир. Чунки бугунги кунда вагонлар хусусий операторлик фаолиятига хусусий маблағлар жалб этилмоқда.

Юқорида келтирилган фикрлар ички иқтисодиёт эҳтиёжларини таъминлаш, етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш учун логистик терминалларни қуриш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатди ва бу, ўз навбатида, ушбу объектларнинг кенгайиб бориши ва кейинчалик темир йўлларда юк ташиш халқаро тизимига интеграцияланиш имконини беради.

Диссертациянинг “**Логистик терминалларни шакллантиришни тадқиқ этиш ва уларни математик моделлаштириш**” деб номланган иккинчи бобда Ўзбекистон ҳудудларида логистик терминалларни жойлаштириш бўйича транспорт-логистика кластерини шакллантирилиши кўриб чиқилиб, шунингдек бу ерда Ўзбекистон темир йўллари тармоғида логистик терминалларни жойлаштиришга таъсир қилувчи ташқи омиллар статистик моделини амалга ошириш тамойиллари баён этилган, Ўзбекистон темир йўллари тармоғида логистик терминалларни шакллантиришнинг имитацион модели ишлаб чиқилган.

Кўп ўлчамли объектларни гуруҳлаштириш ва алоҳида кузатувлар натижаларини кейинроқ гуруҳларни кластерлар каби ажратиш билан мос геометрик макон (фазо) нуқталари сифатида тақдим этиш мақсадида, турли дастурий мажмуалардан фойдаланган ҳолда кластерли таҳлил бажарилган. Кластерли таҳлил Excel дастури ёрдамида амалга оширилган. Яратилган моделда барча кўрсаткичлар бошланғич ва ўртача арифметик қийматларининг ўртача арифметик оғишдан (четлашишдан) фарқи орасидаги нисбат ёрдамида меъёрлаштирилади. Ушбу қўйилма “Кластерли таҳлил” деб аталади (1-расм).

Темир йўл транспорти билан ташишлар ҳажмининг автомобиль йўллари зичлиги ва темир йўл қопламаси, импорт, асосий фондларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган қиймати, автомобиль транспорти билан ташишлар ҳажмига, чакана савдо ҳажмига ва транспорт йўлаклари мавжудлигига боғлиқлиги статистика жиҳатидан ўз тасдиғини топди. Бунда ана шу кўрсаткич биринчи кластерга тегишлилик (Хоразм вилояти) ҳисобига катталашса, учинчи кластерга тегишлилик (Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари) ҳисобига қисқариб боради.



1-расм. “Ечимни излаш” воситаси параметрларининг Ўзбекистон минтақалари кластерли таҳлилида қўйилиши

Шунингдек, тадқиқотлар жараёнида аниқланишича, юкларни автомобиль транспорти ёрдамида ташиш ҳажмлари асосий фондларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган қиймати, иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони, савдо

ҳажми, аҳолининг жон бошига тўғри келадиган ўртача даромади, транспорт йўлаклари мавжудлиги ва автомобиль йўллари зичлиги билан белгиланади. Бу ҳолда субъектнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи кластерларга тегишлилиги (Наманган вилояти) ушбу кўрсаткич қийматини кичиклаштиради. Бу автомобиль транспортга нисбатан темир йўл изларининг узунлиги, улар бўйича ташиш нисбатан фойдалироқ эканлиги билан изоҳланади. Таклиф этилган омилларни динамикада тадқиқ этишни имитацион моделлаштириш услубидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бу логистик терминалларни жойлаштириш омиллари тизими ривожининг баҳоланишини аналитик боғлиқликлар ёрдамида ифодалаш мураккаблиги билан асосланади.

Имитацион моделини ишлаб чиқишда тадқиқотлар жараёнида аниқланган боғлиқликларни қўллаш омилларнинг динамикада логистика инфратузилмаси объектларига кўрсатадиган таъсирини аниқлаш ва Ўзбекистон Республикаси минтақаларида логистик терминалларни яратиш истиқболларини баҳолаш учун кўрсаткичларнинг башоратлаш қийматларига эга бўлиш имконини беради.

Логистик терминалларни жойлаштиришнинг имитацион GPSS (General Purpose Simulation System) моделини ишлаб чиқиш учун ОХКТ (оммавий хизмат кўрсатиш тизими) моделлаштириш усулидан фойдаланилган – бу ҳолда транзактлар (ASSIGN оператори) параметрлари ва транзактлар ҳаракатини моделда TEST ва TRANSFER операторлари ёрдамида бошқариш қўлланган. Логистик терминални танлаш имитацион моделини қуриш натижалари 2-расмда кўрсатилган.

Шундай қилиб, логистика инфратузилмаси объектини танлаш жараёни имитацион моделда моддий оқим тузилмаси (ташишдаги транспорт тури, юк ҳажми) ва муайян логистик терминал доирасида ишлов берилиши керак бўлган юклар оқими ҳажмига боғлиқ равишда амалга оширилган. Бунда ушбу модель, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси

GPSS World - [Untitled Model 1.8.5]

File Edit Search View Command Window Help

NAME	VALUE
KONTEYNER	6.000
POGRUZKA	13.000
STANSIYA	10000.000
VAGON	10001.000
VIGRUZKA	12.000

LABEL	LOC	BLOCK TYPE	ENTRY COUNT	CURRENT	COUNT	RETRY
KONTEYNER	1	GENERATE	1164	0	0	0
	2	ASSIGN	1164	0	0	0
	3	TRANSFER	1164	0	0	0
	4	GENERATE	882	0	0	0
	5	ASSIGN	882	0	0	0
	6	QUEUE	2046	0	0	0
	7	ENTER	2046	0	0	0
	8	DEPART	2046	0	0	0
	9	TEST	2046	0	0	0
	10	ADVANCE	1164	1	0	0
	11	TRANSFER	1163	0	0	0
	VIGRUZKA	12	ADVANCE	882	1	0
	POGRUZKA	13	LEAVE	2044	0	0
	14	TERMINATE	2044	0	0	0
	15	GENERATE	1	0	0	0
	16	TERMINATE	1	0	0	0

QUEUE	MAX CONT.	ENTRY	ENTRY (0)	AVE. CONT.	AVE. TIME	AVE. (-0)	RETRY	
VAGON	1	0	2046	1638	0.046	0.196	0.985	0

STORAGE	CAP.	REM.	MIN.	MAX.	ENTRIES AVL.	AVE.C.	UTIL.	RETRY	DELAY	
STANSIYA	2	0	0	2	2046	1	1.533	0.766	0	0

FEC XN	PRI	BDT	ASSEM	CURRENT	NEXT	PARAMETER	VALUE
2046	0	8761.566	2046	10	11	1	1.000
2048	0	8762.387	2048	0	1		
2047	0	8762.820	2047	12	13	1	2.000
2049	0	8767.223	2049	0	4		
2050	0	17520.000	2050	0	15		

For Help, press F1 Ready.

2-расм. Логистика терминалини танлаш имитацион модели натижалари

минтақаси ҳудудидаги мавжуд логистика инфратузилмаси объектларини ҳам ҳисобга олади.

Диссертациянинг “Ўзбекистон темир йўллари тармоғида юк объектларини жойлаштириш услубиётини такомиллаштириш” деб номланган учинчи боби юк объектларини жойлаштириш вариантлари баҳолаш услубиётини такомиллаштириш, субъектлар жозибадорлигининг интеграцияланган индекси асосида Ўзбекистон вилоятлари жозибадорлигини баҳолаш имконини берувчи темир йўллар логистик терминалларни жойлаштириш вариантларини баҳолаш алгоритмининг ва дастурий маҳсулотини ишлаб чиқишга бағишланган.

Ушбу модель қуйида тақдим этилган тегишли коэффицентлар билан ифодаланади:

$$\langle R, A, F, X, D, G, t \rangle, \quad (1)$$

бу ерда t – бу масаланинг намунавий қўйилиши;

A – турли мезонлар шкалалари қўплиги;

R – мақсадли ютуқлар даражасини баҳолаш мезонлари ва уларнинг мезонлари;

X – қўплаб эҳтимолий ва йўл қўйиладиган масалалар (муқобиллар) кўрсаткичи;

G – қарор қабул қиладиган субъект устуворликларининг умумий тизими;

D – қарорлар қабул қиладиган субъектнинг бутун қабул қилинган устуворликлари тизимини акс эттирадиган якуний қоида;

F – баҳолаш мезоний кўрсаткичларининг қўплаб оқибатларида эҳтимолий вариантлар қўплигини комплекс акс эттириш.

Агар сўз қарорнинг бир субъект томонидан эмас, балки гуруҳ бўлиб қабул қилиниши тўғрисида бораётган бўлса, бу ҳолда, юқорида тақдим этилган (1) формула таркибига қуйидаги элементлар киритилиши мумкин:

L элементи – статистика услубиётлари воситасида бошланғич баҳолашни кейинроқ верификациялаш билан эксперт баҳосини бериш услуби тамойили (параметрлар ва коэффицентларни чегаравий қийматлар ва кўрсаткичлар билан қийслаган ҳолда ҳисоблаш);

$E(f)$ элементи – гуруҳли устуворлик функцияси.

Шунга ўхшаш тарзда, муқобил X – минтақавий туманларнинг батафсил рўйхати тузилади. Кейинроқ бошланғич маълумотларга эга матрицани шакллантириш учун, кейин эса тегишли R кўрсаткичлар қўплигининг вариантлар (муқобиллар) қўплиги X га аксини куриш талаб этилади.

Ўз навбатида, $C = \{c_{ji}\}$ массиви – бу ушбу акс эттирилиш τ_1 ни куриш оқибати қуйидаги шартда келтирилган:

$$\tau_1 : R \rightarrow X, \quad (2)$$

бунда $i = 1, X = \{x_i\}$ коэффицентлари, $m = 12$ – бу Ўзбекистон туманларининг ҳисобланган қуввати. Ушбу коэффицент ҳисоблаб топилиб, минтақа таркибига кирган туманлар рўйхати сифатида тақдим этилади.

$R = r_j, n=4, j=1$ – Ўзбекистон туманлар номлари шкаласида қабул қилинаётган рўйхатининг ҳисобий қувватига тенг.

Бу ҳолда, (2) ифода (акс эттирилиш) икки ўлчамли кўплик сифатида тақдим этилиши мумкин бўлиб, у натурал бирликлар ва коэффицентларда, ҳамда интервал шкаласида лингвистик бирликларда ўлчаниши (баҳоланиши) мумкин: $C = c_j, j=1, n=12, m=4$ умумий ўлчами $n \times m$. Олинган қиймат – бу таҳлил ва тадқиқот ўтказилиш вақтига келиб мавжуд бўлган статистик бошланғич маълумотларнинг шакллантирилишидан иборат.


Шундай қилиб, ишлаб чиқилган услубиёт ўз ичига қатор босқичларни олиб, улардан:

1. Тадқиқ этиш учун 3-расмда кўрсатилган диаграмма кўринишидаги

мақсадлар дарахтини олиш билан мезонли кўрсаткичлар ва умумий рўйхатни умумлаштириш.

2. Мақсадлар дарахти кўрсаткичларини ҳар бир иерархик босқичда $w_j, j=1, m$ (оғирлигини) ўлчаш. Бу ерда w_m – бу мақсадлар дарахтининг ҳар бир иерархик босқичидаги шохобчалар сони.

3. АК&М услубига биноан τ_2 акси сифатида локал (маҳаллий) бўлган икки ўлчамли устуворликлар вектори $Y = \{y_{ji}\}$ нинг ҳисоби. Бу ерда икки асосий турдаги




3-расм. Логистик инфратузилмани шакллантириш имитацион моделининг алгоритми

мезонлар семантикаси ҳисобга олинади, яъни:

- агар мезон коэффиценти катталашса, сифат ҳам ортиб боради;
- агар мезон қиймати катталашса – сифат пасайишини намоён этади ва у куйидагича келтирилган:

$$\tau_1 : C \rightarrow Y. \quad (3)$$

Барча тақдим этилган кўрсаткичлар ва мезонларни умумлаштирилган коэффицентлар кўринишида тақдим этилиб, талаб этилган биринчи иерархия даражасида тегишли гуруҳларга жамланган, яъни ҳар бир иерархия ва ҳар бир тақдим этилган гуруҳ учун мос равишдаги муайян (иккинчи) даража шакллантирилган (4-расм).



4-расм. Логистик терминалларни жойлаштиришнинг иерархик мақсадлар дарахти

Шундай қилиб, мазкур босқичда иерархия услубига асосланган ҳолда вазн коэффицентларини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган. Тақдим этилган модель ноаниқ омилларни, масалаларнинг кўп мезонлилигини ҳисобга олиш, охир-оқибатда кўплаб турли муқобил вариантлар ичидан танлаб олиш имконини яратади. Мазкур модель, шу жумладан ҳудуднинг рақобатбардошлигини “эталон”, яъни логистик терминални жойлаштириш учун инфратузилма ва саноат энг яхши тараққий этган минтақа билан қиёслаш орқали минтақанинг жозибадорлик даражасини баҳолаш имконини беради.


Темир йўл бўйлаб аҳоли пунктлари жозибадорлигини аниқлаш мақсадида 2-жадвалда тақдим этилган логистик терминални жойлаштириш ўрнини аниқлаш мақсадидаги омиллар бўйича маълумотлардан фойдаланилган. Омиллар рўйхати кенгайтирилиши ва тўлдирилиши мумкин.

Логистик терминални жойлаштириш ўрнини аниқлаш учун омилар

№ ст.	Станция номи	Юклаш, тн/минг киши	ЮК, минг сум/киши	ТХ, минг сум/киши	Эксп., долл./киши	Импорт, долл./киши	Йиллаб чиқариш жасланиши, балл	Экспорт имкониятлари, балл	Темир йўл зичлиги, км/1000кв.м	Авто йўллар зичлиги, км/1000кв.м	Утр.лизма, минг сум/киши	МУ гача масофа	1 таянч нуктагача масофа	2 таянч нуктагача масофа
1	Янги Зарафшон	405,36	0,251	0,621	0,665	0,654	3	3	615,22	213,21	1231,14	5	2	4
2	Қўхон 1	213,05	0,176	0,621	0,784	0,541	2	3	421,22	199,35	1455,21	5	2	4
3	Борса Келмас	468,21	0,191	0,714	0,451	0,698	4	4	326,85	301,25	1698,21	5	2	4
4	Болдир	896,21	0,044	0,521	0,254	0,541	3	3	862,14	259,32	769,25	5	2	4
5	Қувасой	1015,25	0,092	0,321	0,399	0,422	3	3	722,15	244,15	987,14	5	2	3
6	Зиёуддин	788,51	0,319	0,558	0,458	0,395	3	5	261,21	301,21	852,36	5	3	3
7	Сариосиё	653,34	0,208	0,784	0,874	0,568	4	4	316,51	289,31	1023,61	5	3	3
8	Оқолтин	194,21	0,199	0,621	0,874	0,699	2	5	482,25	196,25	1564,21	4	3	5
9	Қарши	369,34	0,211	0,587	0,546	0,784	4	5	534,61	155,54	963,21	4	3	5
10	Бухоро 2	465,25	0,214	0,865	0,458	0,895	3	3	789,25	98,25	1120,15	4	3	5
11	Дехқанобод	498,54	0,071	0,777	0,698	0,632	2	4	644,12	169,25	1465,21	4	3	5
12	Улугбек	101,23	0,781	0,654	0,784	0,551	5	3	651,25	158,64	986,21	4	4	4
13	Бўзсув	1025,25	0,982	0,475	0,589	0,458	3	5	965,21	169,65	741,25	4	4	4
14	Оҳангарон	1263,21	0,142	0,855	0,714	0,965	4	3	894,11	146,36	1547,21	4	4	4
15	Карақатта	987,25	0,651	0,621	0,632	0,336	2	3	1011,02	189,21	988,62	4	4	3
16	Аҳлибутут	896,14	0,444	0,544	0,541	0,487	2	4	894,15	201,25	1025,21	3	4	3
17	Овозлик	764,24	0,215	0,412	0,402	0,695	4	5	987,13	296,21	1421,21	3	4	3
18	Қазир	412,25	0,281	0,398	0,369	0,521	3	4	755,11	196,58	963,21	3	4	3
19	Қувасой	101,25	0,369	0,478	0,862	0,732	3	5	625,21	288,31	894,25	3	4	3
20	Яккабоғ	98,65	0,101	0,874	0,654	0,625	5	3	428,62	279,21	788,95	2	4	5
21	Раўстан	213,12	0,098	0,765	0,421	0,408	3	3	563,11	254,31	1023,36	2	5	5
22	Когон	765,14	0,214	0,624	0,658	0,877	3	4	698,14	288,25	1456,25	2	5	5
23	Беруний	465,35	0,369	0,587	0,532	0,695	2	3	874,21	294,26	987,01	2	5	5
24	Чортоқ	896,21	0,414	0,877	0,458	0,482	2	5	754,21	301,25	1369,25	2	5	5
25	Чимқўрғон	412,51	0,512	0,458	0,365	0,399	3	4	458,25	266,24	854,33	2	5	5

Қуйидаги 5-расмда юк қувватларининг бир қисмини Тошкент шаҳридан ташқарига чиқариш мақсадида юк объектини ташкил этиш, бунга бўлган эҳтиёжларни қондириш ва Шимкент-Тошкент-Хўжанд иқтисодий йўлаги лойиҳасини амалга ошириш, етказиб бериш суръатларини тезлаштириш, ҳамда темир йўл бўйлаб жўнатилаётган юклар ҳажмини кўпайтириш мақсадида

вазн коэффициентлари ва темир йўл бўйлаб муайян станция жозибадорлиги интеграл кўрсаткичини қиёслаш тақдим этилган. Ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар гуруҳи бўйича Сариосиё, Бухоро-2, Оҳангарон, Яккабоғ, Когон станциялари мувофиқ бўлса, инфратузилма омиллари гуруҳига кўра эса – Болдир, Оқолтин, Қарши, Дехқанобод, Чортоқ станциялари тўғри келади.



5-расм. Логистика терминаллари ташкиллаштириш учун жойнинг жозибадорлик коэффициентларини қиёслаш

Шунингдек, аниқланган кўрсаткичлар тўғри танлаш имконини берадиган меъёрлар билан ҳам солиштирилган.

Шундай қилиб, ҳисобий йўл билан ижтимоий-иқтисодий ва инфратузилма-географик кўрсаткичлари бўйича ва ўз жойлашиш ўрнига кўра юк объектини ташкил қилиш учун тўғри келадиган станциялар аниқланган.

Диссертациянинг **“Транспорт-логистик терминаллар ҳудудий жойлашишини танлашга доир тавсияларни ишлаб чиқиш”** деб номланган тўртинчи бобда Ўзбекистон Республикаси темир йўлларида юк объектларини жойлаштириш схемаси ишлаб чиқилиб, логистик терминалларни жойлаштириш омиллари тизимини яхшилаш бўйича амалий тавсиялар келтирилган ва логистик терминалларни ҳудудий жойлаштириш чора-тадбирларининг иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқотлар давомида аниқланган омиллар жамланмасига кўра локал (маҳаллий) юк объектлари Болдир ва Яккабоғ станцияларида жойлаштирилганида ижтимоий-иқтисодий омилларнинг нисбатан кўпроқ яхшиланишини кутиш мумкин. Минтақавий логистика терминали Бўзсув ва Оҳангарон станциялари орасида, ҳамда маҳаллий терминал эса Болдир ва Яккабоғ станциялари орасида жойлаштирилган ҳолда юқори иқтисодий самарадорликка эришган станцияга устуворлик берилади.

Талаб этилган инвестицияларнинг умумий ҳажми, одатда, инвесторларнинг тўловга қодирлигига ва ундаги мавжуд эркин маблағ ҳажмига, минтақанинг молиявий имкониятларига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Ушбу тадқиқот мақсадларида энг содда усуллардан бири – маълум аналоглардан фойдаланиш усули қўлланилган. Логистик терминални қуришга солиштира инвестициялар тахминан 70-90 АҚШ долл./т атрофида. Бунда агар мавжуд ишлаб чиқариш бино ва иншоотларидан фойдаланилса, ҳақиқий капитал киритмалар анча камайтирилиши мумкин. Қурилиш муддати 1 йилга яқин деб қабул қилинади.

Минтақавий ва маҳаллий темир йўл станцияси асосида логистик терминални қуришнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш вариантлари 3 ва 4 жадвалларда қиёсланган. Инвестиция харажатлари лойиҳа бўйича кувватидан, даромад қисми – темир йўл ва ҳар бир станция бўйича юклар оқимини саралашга бўлган реал эҳтиёждан, фойда қисми ва ўз-ўзини оқлаши – бу каби станцияларнинг ўртача рентабеллигидан келиб чиқиб ҳисобланган.

3-жадвал

Минтақавий темир йўл станцияси асосида логистик терминални қуриш бўйича лойиҳани амалга оширишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш

Станция номи	Лойиҳа бўйича куввати, минг т/йил	Инвестициялар ҳажми, млн. сўм	Даромад, млн. сўм	Соф фойда, млн. сўм	Лойиҳанинг ўзини оқлаш муддати, йил
Бўзсув	7000	6093920	4806942,85	937526,196	6,50
Оҳангарон	6500	5658640	4808003,31	961600,662	5,88

3-жадвалдан кўриниб турибдики, ўзини оқлаш муддати кўрсаткичи бўйича Оҳангарон минтақавий темир йўл станцияси асосида логистик терминал қурилиши нисбатан фойдали ҳисобланади.

4-жадвал

Маҳаллий темир йўл станцияси асосида логистик терминални қуриш бўйича лойиҳани амалга оширишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш

Станция номи	Лойиҳа бўйича қуввати, минг т/йил	Инвестициялар ҳажми, млн. сўм	Даромад, млн. сўм	Соф фойда, млн. сўм	Лойиҳанинг ўзини оқлаш муддати, йил
Болдир	1300	990262	966297,768	202922,53	4,88
Яккабоғ	1200	914088	884715,414	185756,09	4,92

4-жадвалдан кўриниб турибдики, ўзини оқлаш муддати кўрсаткичи бўйича Болдир маҳаллий темир йўл станцияси асосида логистик терминал қурилиши нисбатан самарадор ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларига кўра минтақавий аҳамиятга эга бўлган станцияда логистик терминални қуриш бўйича ўртача ўзини оқлаш муддатлари 5,88дан 6,50гача йилни ташкил қилиб, Тошкент МТУ даги 6468 минг тонна ҳажмидаги юклар оқимиға хизмат кўрсатишдан тушган йиллик соф фойда 937526,196-961600,662 млн. сўмға тенг бўлади деб аниқланган. Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган станцияда логистик терминални қуриш бўйича ўртача ўзини оқлаш муддатлари 4,88-4,92 йилни ташкил қилиб, Тошкент МТУ даги 1035 минг тонна ҳажмидаги юклар оқимиға хизмат кўрсатишдан тушган йиллик соф фойда 185756,09дан 202922,53гача млн. сўмға тенг бўлади.

ХУЛОСА

“Темир йўл тармоғида логистик терминалларни ривожлантириш ва жойлаштириш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини бажариш доирасида амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Логистик терминалларни темир йўллар тармоғида ташкиллаштириш учун юк ташишларнинг асосий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда минтақанинг жозибадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар тизимлаштирилган ва асослаб берилган. Натижада логистик терминалнинг ҳудудий жойлашув ўрнини танлашда максимал миқдордаги техник, иқтисодий, илмий-технологик, географик, демографик ва бошқа параметрларни ҳисобга олиш имконияти яратилган.

2. Халқаро транспорт йўлакларидаги ҳудудий жойлашишни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш терминалларини ривожлантириш ва жойлаштириш учун минтақаларни кластерлаштиришнинг статистика модели такомиллаштирилган. Бу Ўзбекистон Республикаси минтақаларини кўрсатиладиган транспорт хизматлари ҳажмиға боғлиқ равишда тўртта транспорт-логистика кластерига бўлиш ва гуруҳлаштириш имконини берган.

3. Юк ишлари ҳажмини ҳисобга олган ҳолда логистик терминалларни жойлаштириш учун потенциал жойни режалаштириш имконини берувчи GPSS дастури асосидаги имитацион модель ишлаб чиқилган. Мазкур модель уларда керакли логистик терминалларни яратиш учун муайян минтақа фойдасига муқобил темир йўл станцияларини танлаб олиш ва мақсадга номувофиқ логистик терминалларни қуришдан воз кечиш имконини берган.

4. Транспорт-логистик терминалларни жойлаштириш ва ривожлантириш учун оптимал темир йўл станциясини излаш мақсадидаги алгоритм ва дастурий мажмуалар кўринишдаги инструментал воситалар ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган алгоритм ва дастурий воситадан фойдаланиш қайта ишланадиган юклар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда логистик терминалини қуриш учун темир йўл станцияларини танлаш имконини берган.

5. Минтақалар рақобатбардошлигини оширишга қаратилган асосланган қарорлар қабул қилиш каби кўп мезонли масала асосида логистика терминалларини турли хил ривожлантириш вариантларини баҳолаш услуги ишлаб чиқилган. Ушбу услубни “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда қўллаш минтақавий аҳамиятга эга бўлган юк объектини қуришда ишлов бериладиган юклар ҳажмини 1,12 ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган юк объектини қуришда эса 1,09 баробар кўпайтириш имконини берган.

6. Ўзбекистон Республикаси темир йўллари тармоғида маҳаллий ва минтақавий аҳамиятга эга бўлган логистик терминалларни жойлаштиришга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Диссертация ишининг натижаларидан транспорт тармоғи корхоналарида фойдаланишдан қутилаётган йиллик иқтисодий самара 578 млн. сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.15/31.08.2022.Т.73.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
ТРАНСПОРТНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

ИБРАГИМОВА ГУЛШАН РУСЛАНОВНА

**РАЗВИТИЕ И РАЗМЕЩЕНИЕ ЛОГИСТИЧЕСКИХ ТЕРМИНАЛОВ НА
СЕТИ ЖЕЛЕЗНЫХ ДОРОГ**

05.08.03 – Эксплуатация железнодорожного транспорта

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером № В2022.2.PhD/T2944

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tstu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Худайбергенов Сакижан Кабилджанович
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Нурмухамедов Толаниддин Рамзиддинович
доктор технических наук, доцент

Махкамов Алимжан Хамдамович
доктора философии (PhD) по техническим наукам

Ведущая организация:

Туринский политехнический университет в городе Ташкенте

Защита диссертации состоится 16 января 2023 г. в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.15/31.08.2022.T.73.01 при Ташкентском государственном транспортном университете. Адрес: 100167, г. Ташкент, ул. Темирийулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: rektorat@tstu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного транспортного университета (регистрационный номер - 080). Адрес: 100167, г. Ташкент, ул. Темирийулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-05-66.

Автореферат диссертации разослан 4 января 2023 года.
(реестр протокола рассылки № 3 от 4 января 2023 года).

Ж.Ф. Курбанов

Заместитель председателя Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

Ш.М. Суюнбаев

Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

М.Х. Расулов

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, к.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в реалиях сегодняшнего дня большое внимание уделяется реформированию железнодорожной транспортной системы в целях уменьшения финансовой нагрузки на бюджетную систему страны, стабилизации и увеличения доли железных дорог на рынках перевозочных услуг, а также обеспечение, поддержание и развитие необходимой инфраструктуры за счет частного инвестирования и повышения доходности. Создание системы кластеров повышает эффективность использования конкурентного потенциала территорий. В мире насчитывается от 3-х до 5-ти тыс. кластеров, основная часть которых располагается на территории наиболее развитых стран Европейского союза (ЕС), Северной Америки¹. В связи с этим особое внимание уделяется внедрению инновационных технологий, позволяющих решать задачи глобального характера, экологической безопасности и других весьма актуальных для транспорта вопросов.

В мире в целях повышения транзитного потенциала регионов проводятся научно-исследовательские работы, направленные на создание транспортных кластеров, развитие инфраструктуры логистических центров, совершенствование терминальных технологий на контейнерных площадках и увеличение перерабатывающей способности грузовых терминалов. В этом направлении, в частности, особое значение имеет проведение исследований по развитию транспортно-логистических терминалов в современных условиях и их интеграции в транспортно-логистические кластеры, размещению их на сети железных дорог, разработки технологии доставки грузопотоков в срок по транспортным коридорам, благодаря которой значительно сократятся логистические затраты. Вместе с тем, одной из актуальных задач является разработка методики многокритериальной оценки принятия обоснованных решений для развития и размещения логистических терминалов на сети железных дорог.

В нашей Республике реализуются масштабные меры по развитию различных транспортных отраслей, в том числе по размещению логистических центров и грузовых терминалов в системе железнодорожного транспорта, обеспечению внешнего грузооборота и созданию локальных производственных кластеров. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены важные цели, такие как «Развитие единой транспортной системы во взаимосвязи со всеми видами транспорта²». С этой точки зрения, в частности, исследование вопросов развития рынка грузовых перевозок с целью занять достойное место в структуре международных

¹ <https://ecfor.ru/wp-content/uploads/2018/11/innovatsionnyj-transportno-logisticheskij-klaster.pdf?ysclid=16585jlljs138658821>

² Указ Президента Республики Узбекистан от 28.01.2022 г. № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы»

железнодорожных перевозок, формирования логистических терминалов на региональном и локальном уровнях, использования кластерного подхода к выбору варианта потенциального размещения грузовых объектов из множества альтернатив и разработки метода их оценки является одной из важных задач.

